

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ЮЛДАШОВА РАНО УРИНБАЕВНА**

**ХЕЛИКОБАКТЕРИОЗ ВА ДОРИ ТАШУВЧИ ГЕНЛАР  
МАВЖУДЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕМИР  
ТАНҚИСЛИГИ АНЕМИЯСИДА ФЕРРОТЕРАПИЯ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**УРГАНЧ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашова Рано Уринбаевна**

Хеликобактериоз ва дори ташувчи генлар мавжудлигини ҳисобга олган холда темир танқислиги анемиясида ферротерапия самарадорлигини ошириш йўллари.....	4
--	---

**Юлдашова Рано Уринбаевна**

Пути повышения эффективности ферротерапии при железодефицитной анемии с учетом наличия хеликобактериоза и генов транспортеров лекарств .....	19
--	----

**Yuldashova Rano Urinbaevna**

Ways to increase the effectiveness of ferrotherapy in iron deficiency anemia, taking into account the presence of helicobacteriosis and drug transporter genes .....	36
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ
-----------------------------

List of published works.....	40
------------------------------	----

**Фалсафа доктори (PhD)** диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №**B2022.1.PhD/Tib2406** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жарылқасынова Гаухар Жанузаковна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Жаббаров Озимбай Отаханович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Захидова Машхура Зиёматовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақами Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_\_\_»  
куни соат\_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Урганч шаҳри, Аль-Хоразмий кўчаси, 28-й. Tel +(99862) 224 84 84, E-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Урганч шаҳри, Аль-Хоразмий кўчаси, 28-й. Tel +(99862) 224 84 84, E-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_»  
куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_»  
даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ю. Рузибаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**З.Ф.Джуманиязова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди,  
доцент

**Р.Б. Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафадоктори(PhD)диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда темир танқислиги ҳолатлари ва Helicobacter pylori (HP) инфекциясини кенгтарқалиши ҳамда катталар ва болалар учун жуда кўп салбий оқибатларга олиб келиши соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маълумотларига кўра, «темир танқислиги ҳолатининг учраши энг кўп тарқалган 38 та касаллик орасида биринчи ўринда туради»<sup>1</sup>. Аҳолининг барча қатламлари орасида Helicobacter pylori жуда кенг тарқалган. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, «дунё бўйлаб одамларнинг ярмидан кўпи бу бактерия билан заарланган. Африка, Мексика, Жанубий ва Марказий Америкада ушбу инфекциянинг тарқалиши катталар орасида 70-90% га етади»<sup>2</sup>. Анемия Helicobacter pylori инфекциясининг энг муҳим экстрагастродуоденал кўринишларидан биридир. Шу муносабат билан, темир танқислиги анемияси патогенезида Helicobacter pylori ролини янада чуқурроқ ўрганиш ва ферротерапия самарадорлигини ошириш учун темир танқислиги мавжуд бўлганда эрадикация терапияси мезонларини аниқлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар дунёда хеликобактериоз намоён бўлишининг турли хил кўринишларини ўрганишга бағишлиланган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хеликобактериозда темир танқислиги патогенезини ўрганиш ва темир препаратларини қўллаш билан олиб борилган терапия самарадорлигини оширишда эрадикацион терапиянинг ролини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар алоҳида эътиборга эга. Темир танқислиги ривожланишида НРнинг ўрни борлигини тасдиқловчи кўплаб тадқиқотлар натижалари мавжудлигига қарамасдан, темир танқислиги ҳолатининг клиник ва лаборатор белгилари бор, аммо ошқозон шиллик қавати заарланиш белгилари яққол намоён бўлмаган беморларда эрадикацион терапияни ўтказиш учун яққол кўрсатмаларга доир объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва таққослама - ташхислаш белгиларини очиб бериш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича бир қатор кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш”<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида темир танқислиги камқонлигини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

олиб чиқиш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиша замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси ахолисига ихтисослашган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқотреспубликафан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиётва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирда НР билан темир танқислиги ва  $B_{12}$  танқислиги анемиясининг ривожланиши ўртасида муҳим боғлиқлик борлиги тан олинган. Темир танқислиги анемияси патогенезида НР нинг роли экспериментал моделларда бир неча бор исботланган (Burns M., 2015). НР билан касалланган лаборатория сичқонларида ферритин, эритроцитлар, гематокрит ва гемоглобиннинг сезиларли даражада пастлиги кузатилди. Шунингдек, катор муаллифлар беморлар қонида ферритин микдорининг паст бўлиши улардаги НР, гастрит ва прогепсидин микдорининг ошганлиги билан ўзаро боғлиқлигини таъкидлашди (Емиралиоглу Н., 2015; Мұхсен К., Коен Д., 2013).

НР билан оғриган беморларда темир танқислиги анемияси ривожланишини тушунтирувчи бир қанча патогенетик назариялар мавжуд. Биринчи назария, ошқозон шиллик қавати ва ўн икки бармоқли ичакдаги эрозив ва ярали ўзгаришлар фонида бевосита сурункали қон йўқотишни ўз ичига олади. Бошқа бир назарияга кўра, организмга озиқ-овқат маҳсулотлари орқали кирган эркин темирни H. pylori бактериал секвестрланишига олиб келиб ва унинг сўрилишига тўскинлик қилиши мумкин. Бошқа бир назария, гастрит касаллигига ошқозон шиллик қаватидаги атрофик жараён туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари орқали тушган темирнинг ажралиши ва сўрилишининг пасайишига асосланган. Шунингдек, H. pylori билан касалланган беморларда темир танқислиги анемияси ривожланиш патогенези билан яллиғланишга қарши цитокинлар синтези экспрессияси туфайли юзага келган сурункали яллиғланиш анемиясининг ривожланиши орасидаги боғлиқликка асосланган назария ҳам мавжуд (Mei-Yan Xu, Bing Cao, Bao-Shi Yuan, Jian Yin1, Lan Liu&Qing-Bin Lu, 2018; Xia, W., Zhang, X., Wang, J., Sun,

C.&Wu, L., 2012; Queiroz D.M.M., Harris P.R., Sanderson I.R., Windle H.J., Walker M.M., 2013).

Бугунги кунга келиб, Маастрихт IV тавсиясига қўра, H. Pylori инфекцияси тасдиқланган ва темир танқислиги анемияси бор беморларда бошқа этиологик омиллар инкор этилганда H. Pylori эрадикацияси ўтказилади. Инфекциянинг давом этиши ва бошқа этиологик омиллар чиқариб ташланганидан кейин ТТА билан касалланган беморларда тавсия этилади. Шу билан бирга, H.pylori нинг ТТАси ривожланишидаги ўрни, темир препаратларига нисбатан резистентликка таъсири янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб қиласди.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий текшириш муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2019.PhD.041) «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўлларини ишлаб чиқиши» (2017-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** хеликобактериоз билан оғриган беморларда темир танқислиги камқонлигининг хусусиятларини ўрганиш ва инфекциянинг намоёнлиги ва дори транспортёrlари генотипларини ташувчанлигини ҳисобга олган ҳолда комбинацияланган ферротерапияга дифференциал ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

НР билан касалланган беморларда темир танқислиги анемиясининг клиник ва лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

хеликобактериоз билан оғриган беморларда темир метаболизми бузилиш кўрсаткичларининг хусусиятларини ва уларнинг НРга нисбатан антителалар даражаси билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

хеликобактериоз билан оғриган беморларда Fe (II) ва Fe (III) темир препаратлари терапиясининг самарадорлигини баҳолаш;

НРга нисбатан антителалар даражасини мониторинг қилган ҳолда, темир танқислиги анемияси ва хеликобактериоз билан оғриган беморларда эрадикация терапиясининг самарадорлигини баҳолаш;

Ичакда темирнинг генетик детерминирлашган эффлюкси юқори бўлган беморларда темир препаратларининг самарадорлигига эрадикацион терапиянинг таъсирини асослаш.

**Тадқиқотнинг обьекти.** Бухоро вилоятидаги З та амбулатор муассасаси худудига қарашли 60 нафар темир танқислиги камқонлиги ва хеликобактериоз билан касалланган беморлар кўриқдан ўтказилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатидабеморларнинг клиник ва лаборатор маълумотлари тақдим этилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишда клиник, лаборатор (қоннинг биокимёвий таҳлили, иммунофермент таҳлили), молекуляр генетик тадқиқотлар, темир танқислиги анемияси субъектив ва обьектив

белгиларининг намоён бўлиш даражасини баҳолаш учун анкеталар ва шкалалар, шунингдек, статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

илк бор темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда ферритин ва қон зардобидаги темир даражаси билан НРга антителалар даражаси ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжудлиги аниқланган; НРга нисбатан антителаларнинг юқори даражаси уч валентли темир препаратлари билан терапия самарадорлигини пасайиши билан боғлиқлиги исботланган;

эрадикацион терапияси курсини ўтказиш уч валентли темир препаратларидан фойдаланганда ферротерапия самарадорлигининг асосий лаборатория қўрсаткичларини сезиларли даражада ошириши исботланган; илк бор генетик детерминланган оқсил-транспотёри паст фаолликда бўлган беморларда эрадикацион терапия курсини ўтказиш уч валентли темир препарати билан даволаш самарадорлигини ошириши аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

НР га нисбатан антителалар даражасига асосланиб, темир танқислиги анемияси бор беморларда эрадикацион терапия ўтказиш мезонлари таклиф этилган;

хеликобактериозда темир танқислиги ва темир танқислиги анемияси оғирлик даражасини башорат қилиш усули таклиф этилган;

темир танқислиги анемияси хеликобактериоз билан ассоциранган беморларни олиб бориш алгоритми таклиф қилинган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда назарий ёндашув ва усулларни тўғри қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг тўғрилиги, темир танқислиги камқонлиги ва ҳеликобактериоз билан касалланган беморлар сонининг етарлилиги, клиник ва биокимёвий тадқиқот усулларининг замонавий статистик усуллари, расмийлаштирилган анкета ва шкалаларнинг қўлланилганлиги, шунингдек олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари НР инфекциясининг темир танқислиги ва темир танқислиги анемияси патогенезидаги ролини батафсилроқ ўрганиш ва тушуниш, шунингдек, ушбу гуруҳдаги беморларда эрадикацион терапия заруратини илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан изоҳланадики, темир танқислиги анемияси оғирлигини башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиши ва НРга нисбатан антителалар даражасини баҳолаш натижаларига асосланиб беморларда эрадикацион терапиясини ўтказиш беморларда камқонликни коррекция қилиш самарадорлигини ошириши билан изоҳланади..

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Хеликобактериозга чалинган беморларда учрайдиган темир танқислиги анемиясида

ферротерапия самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

*Helicobacter pylori* билан бирга қузатиладиган темир танқислиги анемиясида терапияси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Helicobacter pylori" билан бирга қузатиладиган темир танқислиги анемиясида ферротерапия самарадорлигини баҳолаш усуслари" номли услугбий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 январдаги 8н-р/66-сон маълумотномаси). Мазкур услугбий тавсиянома НР бор беморларда темир танқислиги анемиясини даволашда турли хилдаги темир препаратларини қўллаб даво самарадорлигини баҳолашга имкон берган;

*Helicobacter pylori* билан касалланганда темир танқислиги ҳолатлари оғирлигини башорат қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Helicobacter pylori" билан касалланганда темир танқислиги ҳолатлари оғирлигини башорат қилиш усули" номли услугбий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 январдаги 8н-р/65-сон маълумотномаси). Ушбу услугбий тавсияноманинг мақсади темир танқислиги анемияси бор беморлар организмидаги темир алмашинуви кўрсаткичлари ва НРга нисбатан антителалар даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш. Корреляцион боғлиқликни баҳолашда олинган натижалар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ферритин, қон зардобидаги темир ва бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотлар бўлмагандан, НР га нисбатан антителалар миқдорига қараб темир танқислиги ҳолатининг мавжудлиги ва унинг оғирлигини аниқлаш имконини берган;

Хеликобактериоз ва дори ташувчи генлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда темир танқислиги анемиясида ферротерапия бўйича Илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти №3, №4 ва 6-сонли оиласиий поликлиникалар фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 февралдаги 8н-з/111-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши *Helicobacter pylori* билан боғлиқ темир танқислиги камқонлиги билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, олтига боб, хулоса, якуний фикр ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 113 бетлик матнни ташкил қиласи.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарбилиги ва зарурати ва унга бўлган талаб ёритилган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва мавзуси белгиланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиясини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мувофиқлиги ва натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши хақида маълумот берилган.

Диссертациянинг "***Helicobacter pylori* билан боғлиқ темир танқислиги анемиясининг клиник ва патогенетик жиҳатлари**" деб номланган биринчи бобида хеликобактериоз билан боғлиқ бўлган темир танқислиги анемияси муаммосининг ҳозирги ҳолати хақида маълумот берувчи учта кичик бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи акс эттирилган. Ушбу бобда НРнинг ахоли орасида тарқалишига бағишлиланган адабий манбаларнинг таҳлили, бу инфекциянинг темир танқислиги ривожланишидаги ўрни, патогенез назариялари батафсил тавсиф берилган. Бобда маҳаллий ва хорижий олимларнинг темир танқислиги анемияси ва ҳеликобактериозни даволаш ва олдини олиш бўйича замонавий илмий тадқиқотлари натижалари батафсил ёритилган. Темир танқислиги анемияси учун эрадикация терапиясининг самарадорлиги бўйича тадқиқотларнинг янги натижалари бўйича адабиёт маълумотлари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг "**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**" деб номланган иккинчи бобида клиник маълумотларнинг умумий тавсифи ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқотда 40 ёш ва ундан катта ёшдаги эркаклар ва 50 ёшли менопауза давридаги НР билан касалланган, темир танқислигининг клиник ва лаборатор белгилари намоён бўлган аёллар иштирок этди.

Кўйидаги мезонларга асосланган:

- НР инфекцияси икки турдаги диагностика усули билан тасдиқланган -  $^{13}\text{C}$ -уреаза нафас тести ва ИФА натижаларига кўра қонда НРга нисбатан антителаларнинг мавжудлиги;
- темир танқислиги анемияси клиник ва лаборатор белгиларининг мавжудлиги;
- ўткир ёки сурункали қон йўқотишни тасдикловчи клиник, лаборатор ва инструментал маълумотларнинг бўлмаганлиги;
- тадқиқотда иштирок этиш учун беморнинг розилиги.

Тадқиқотга киритилган:

асосий гурух – темир танқислиги анемияси бор ва НР инфекция тасдиқланган 56 нафар бемордан иборат;

назорат гурухи – темир танқислиги анемияси бор ва НР инфекцияси тасдиқланмаган 24 нафар бемордан иборат.

Тадқиқотни ташкил этиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олди:

1-босқич: темир танқислиги анемиясининг клиник хусусиятлари, эритроцитларнинг морфологик белгилари, асосий ва назорат гурухларида темир алмашинуви кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш.

2-босқич: НРга нисбатан антителалар даражаси ва темир метаболизми кўрсаткичлари (ферритин, трансферрин, қон зардобидаги темир ва умумий қон зардобидаги темир боғланиш қобилияти) ўртасидаги корреляцияни ўрганиш.

3-босқич: Хеликобактериозли беморларда ишлатиладиган темир препаратлари гурухларига қараб ферротерапия самарадорлигини ўрганиш. Ушбу босқичда bemorlar 2 ta bir xil guruhga bouldingan, char birida 28 tadan bemor.

4-босқич: эрадикацион терапия тайинлангандан кейин тадқиқот гурухларида ферротерапия самарадорлигини ўрганиш.

5-босқич: хеликобактериозли ва ичакда генетик жиҳатдан аниқланган темирнинг юқори эффлюкси бўлган bemorlarда НР эрадикациясининг самарадорлигини ўрганиш.

Ишда клиник, лаборатор (қон биокимёвий таҳлили, иммунофермент таҳлили), молекуляр-генетик тадқиқотлар, темир танқислиги анемиясининг субъектив ва объектив белгиларининг оғирлигини баҳолаш учун расмийлаштирилган анкеталар ва шкалалардан фойдаланилган, шунингдек, статистик тадқиқот усули қўлланилган.

Ишнинг "Хеликобактериозда темир танқислиги анемиясининг клиник ва лаборатор хусусиятлари" номли учинчи бобида асосий ва назорат гуруҳидаги bemorlarда темир танқислиги анемиясининг клиник ва лаборатор хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

1-жадвалда тадқиқот гурухларидағи bemorlarда эритроцитларнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

### **1 жадвал**

#### **Эритроцитларнинг морфологик хусусиятлари ( $M \pm m$ )**

Кўрсаткич	Асосий гурух (n=56)	Назорат гурух (n=24)
Гемоглобин	$96,76 \pm 9,23$	$93,31 \pm 7,72$
Эритроцитлар	$4,18 \pm 0,32$	$4,4 \pm 0,28$
Эритроцит ўртача ҳажми (ЭЎҲ)	$83,32 \pm 1,52^*$	$79,4 \pm 1,11$
ЭЎҲ пасайиши аниқланган беморлар сони	29 (51,8%)	18 (75%)
Эритроцитдаги ўртача гемоглобин миқдори (MCH) – пкг	$32,8 \pm 1,5$	$32,2 \pm 1,1$
MCH пасайиши аниқланган беморлар сони	44 (78,6%)	17 (70,8%)
Эритроцитдаги гемоглобиннинг	$37,4 \pm 1,12$	$35,1 \pm 1,4$

ўртача концентрацияси (MCHC) –г/дл		
МCHC пасайиши аниқланган беморлар сони	30 (53,5%)	14 (58,3%)
Микроцитар анемия омили (MAF)	9,8±1,1	11,3±0,8
MAF кўрсаткичи пасайган беморлар сони	34 (60,7%)	19 (79,2%)

\*-назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан таққослагандага фарқлар  $p<0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимдир;

Ўрганилаётган гурухларда эритроцитларнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш натижалари гемоглобин ва эритроцитларнинг ўртача қийматларида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатди ( $p<0,05$ ).

Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, асосий гурухдагиларда эритроцитлар ўртача ҳажмининг ўртача қийматлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли ( $p<0,05$ ) фарқлар аниқланган.

ЭЎҲ пасайиши кузатилган гурухдаги bemорлар сонини таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, асосий гурухда уларнинг нисбати 51,8% ни ташкил этган бўлса, назорат гурухида бу кўрсаткич 75%ни ташкил қилди. Эритроцитларда (MCH) ўртача гемоглобин миқдорининг ўртача қийматлари ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар ҳам йўқ ( $p<0,05$ ). MCH камайган bemорларнинг улуши ҳам тахминан тенг бўлган ва асосий гурухда 78,6% ва назорат гурухида 70,8% ни ташкил қилган. Ўрганилган гурухларда эритроцитларда (MCHC) гемоглобиннинг ўртача концентрациясининг ўртача қийматлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар йўқ ( $p<0,05$ ). MCHC камайган bemорларнинг улуши ҳам тахминан тенг ва асосий гурухда 53,5% ва назорат гурухида 58,3% ни ташкил қилди. Бироқ, микроцитар анемия омили (MAF) камайган bemорларнинг нисбатида баъзи муҳим фарқлар аниқланган. Шундай қилиб, ўрганилаётган гурухлардаги эритроцитларнинг морфологик параметрларини таққослаш, ўртача ҳажмни ҳисобга олмагандага, сезиларли фарқларни аниқламади, бу эса асосий гурухда НРнинг персистенцияси темир танқислигидан ташқари  $B_{12}$  витаминининг маълум даражада етишмаслигига олиб келиши мумкин. Хеликобактериознинг бу жиҳати ҳам адабиётларда етарлича ўрганилмаган, аммо уни чуқурроқ ўрганиш ҳозирги ишнинг вазифаларига киритилмаган.

2-жадвалда тадқиқот гурухларида темир алмашинувини ўрганиш натижалари келтирилган.


## 2 жадвал

### Үрганилаётган гурухларда темир алмашуви кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=56)	Назорат гуруҳ (n=24)
Қон зардобидаги темир (мкмоль/л)	7,82±1,12*	9,42±0,42
Умумий қон зардобидаги темир боғланиш қобилияти (мкмоль/л)	67,1±2,7	68,1±1,5
Трансферрин (г/л)	4,1±0,7	4,7±1,1
Ферритин (мкг/мл)	120,43±10,2*	134,34±9,5


\*-назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан таққослаганда фарқлар  $p<0,05$  да статистик жиҳатдан муҳимдир;

1-расмда беморларнинг ферритин даражаси бўйича тақсимланиши кўрсатилган.



1-расм. Беморларнинг ферритин даражаси бўйича тақсимланиши

НР инфекцияси бўлган bemorлarda temir almashuvи параметлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляция таҳлили ўтказилган. Корреляция муносабатларини акс эттирувчи маълумотлар 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Организмда темир алмашинуви кўрсаткичлари ва H. pylorига нисбатан антитаначалар даражаси ўртасидаги корреляцион боғлиқларни таҳлил қилиш натижалари**

Темир алмашинуви кўрсаткичлари - қон зардобидаги темир ва ферритин, шунингдек, H. pylori га нисбатан антитаначалар (антителолар) даражаси ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланган. Ўрнатилган корреляция муносабатлари тадқиқотлар натижаларининг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тўртинчи бобда "**Хеликобактериозда темир танқислиги анемиясини даволашда комбинацияланган терапияни баҳолаш**", НР билан оғриган bemорлар гурӯхларида темир танқислиги анемиясини даволашда темир препаратларини қўллашнинг самарадорлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқот 2 та кетма-кет босқичдан иборат (расм. 3).

Биринчи босқичда bemорлар 2 та бир хил гурухга бўлинган, асосий ва қиёсий, ҳар бири 28 та bemордан ташкил топган. Биринчи босқичда bemорларда ферротерапия 1 ой давомида эрадикацион терапиясиз ўтказилган.

Асосий гурухдаги bemорлар уч валентли темир препаратларини кунига 1 маҳал 100 мг дан таблеткалар шаклида қабул қилишган. Қиёсий гурух bemорлари икки валентли темир препаратларини темир сульфат препаратлари шаклида кунига 1 маҳал 100 мг дан қабул қилишган.



**3-расм. Комбинацияланган даво самарадорлигини баҳоловчи тадқиқот дизайни**

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида барча bemорлар ферротерапия билан бир қаторда амоксициллин (кунига 2 маҳал 1000 мг дан), кларитромицин (кунига 2 маҳал 500 мг дан) ва омепразол (кунига 2 маҳал 20 мг дан) каби препаратлардан ташкил топган эрадикацион терапияни 10 кун давомида қабул қилган (Маастрихт тавсияларига кўра -4).

Темир танқислиги анемияси терапиясининг самарадорлигини баҳолаш гемоглобин ( $\text{Hb}$ ), ферритин ва қон зардобидаги темир даражасини кузатиш асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида ферротерапия самарадорлигининг лаборатор кўрсаткичлари мониторинги натижалари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқот гурухларида гемоглобин, ферритин ва қон зардобидаги темирнинг ўртача даражаларининг бошланғич қийматлари статистик фарқларга эга эмас.

Даволашнинг биринчи ой охиридаги маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккала тадқиқот гуруҳида ҳам гемоглобин даражасининг ортиши кузатилган. Шу билан бирга, танлаб олинган гурухлардаги кўрсаткичлар орасидаги фарқ турли ҳилда бўлганлиги сабабли, даволашдан олдинги кўрсаткичлар билан солиширилган статистик фарқлар ишончли эмас. Умуман олганда, шуни айтиш мумкинки, асосий гуруҳда ўртача

гемоглобин даражасининг 10,7%га ошиши аниқланган бўлса, қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич 13,8%га ошган. Шуни таъкидлаш керакки, 4 ҳафта давомида ўртача гемоглобин даражасининг 10 г/л га ошиши, ферротерапия самарадорлигини баҳоловчи стандарт мезонига фақатгина таққослаш гуруҳи жавоб беради.

Ферритин ўсиш даражаси динамикаси шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳда бир ойлик ферротерапия курсидан сўнг 30 мкг/л дан паст кўрсаткич қайд этилган, бу ферротерапия самарадорлигининг мезони ҳисобланади. Шу билан бирга, қиёсий гуруҳда ўртача ўсиш ҳам асосий гурухга нисбатан юқори бўлган. Худди шундай ўзгариш қон зардобидаги темир даражасида ҳам кузатилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### **Тадқиқот гуруҳларидағи bemорларда тадқиқотнинг биринчи босқичидаги лаборатор кўрсаткичларнинг динамикаси**

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=28)		Қиёсий гуруҳ (n=28)	
	олдин	1-ойнинг охири	олдин	1- ойнинг охири
Гемоглобин (г/л)	75,45±3,76	83,3±2,4	74,32±2,71	85,68±4,2
Ферритин (мкг/л)	123,3±6,54	136,54±3,45	122,7±5,12	142,13±4,14
Қон зардобидаги темир (мг/л)	1,1±0,12	1,21±0,12	1,12±0,09	1,28±0,11

\*-даволанишдан олдин кўрсаткичлар билан таққослагандага фарқлар  $p < 0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимdir;

<sup>^</sup>- қиёсий гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланадиган фарқлар  $p < 0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимdir;

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида барча bemорларда ферротерапия билан бирга эрадикацион терапия курси ўтказилган. Даволанишнинг иккинчи ойи охиридаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккала тадқиқот гурухида гемоглобин даражасида статистик жиҳатдан сезиларли ўсиш кузатилган ( $p < 0.05$ ). Шу билан бирга, асосий ва қиёсий гуруҳларда 2 ойлик даволанишнинг охиригача кўрсаткичларда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмаган эди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар иккала гуруҳда ҳам эрадикацион терапиядан сўнг 4 ҳафта давомида гемоглобиннинг 10 г/л дан ортиқ ўсишига эришилган, бу умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқ ферротерапия самарадорлигининг мезони бўлиб ҳисобланади (4-жадвал).

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ферритин ўсиш даражасининг динамикаси шуни қўрсатдики, ҳар икки гуруҳда эрадикацион терапия билан бирга ферротерапиянинг ойлик курсидан сўнг ферротерапия самарадорлиги мезони бўлиб ҳисобланадиган 30 мкг/л дан юқори бўлган кўрсаткич қайд

етилган. Шу билан бирга, ўрганилган 2 гурухда ҳам кўрсаткичлар бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмаган. Худди шундай ўзгариш қон зардобидаги темир даражасида ҳам кузатилган.

#### 4-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидағи беморларда тадқиқотнинг иккинчи босқичидаги лаборатор кўрсаткичларининг динамикаси

Кўрсаткич	Асосий гурух (n=28)		Қиёсий гурух (n=28)	
	олдин	2 ойнинг охири	олдин	2 ойнинг охири
Гемоглобин (г/л)	83,3±2,4	98,62±2,3*	85,68±4,2	99,28±3,34*
Ферритин (мкг/л)	136,54±3,45	168,25±3,11*	142,13±4,14	159,23±4,12*
Кон зардобидаги темир (мг/л)	1,21±0,12	1,45±0,08	1,28±0,11	1,48±0,14

\*-даволанишдан олдин кўрсаткичлар билан таққослагандага фарқлар  $p < 0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимдир;

<sup>^</sup>- қиёсий гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланадиган фарқлар  $p < 0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимдир;

Ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, НРнинг мавжудлиги уч валентли темир препаратларини қабул қилган беморларда темир препаратининг сўрилиш даражасига яққол таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, Fe (III) препаратларини қабул қилган беморларда эрадикацион терапиядан сўнг, терапевтик таъсирнинг сезиларли даражада ошиши кузатилганлиги аниқланган, бу лаборатор кўрсаткичлар, яъни гемоглобин ва ферритин миқдорининг сезиларли даражада ошиши билан ифодаланган.

Ушбу тадқиқот натижалари чет эл тадқиқотлари натижаларига мос келади, H. pylori бактерияси уч валентли темирга яқин бўлган махсус хелат комплексларини ажратади, бу эса уларнинг ҳаётчанлиги учун зарур бўлган темирни ўзлаштиришга ёрдам беради. Маълумки, бу микроорганизм таркибида темир сақловчи оқсилларни синтез қиласи, бу эса уларнинг бевосита темирга бўлган эҳтиёжини англалади.

Шундай қилиб, тадқиқот НРинфекцияси темир препаратларининг терапевтик самараадорлигига таъсир қилувчи муҳим омил эканлигини кўрсатди. Ферротерапияда дори гурухини тайинлашда ушбу омилни ҳисобга олиш ва НРинфекцияси тасдиқланганда бир вақтнинг ўзида эрадикацион терапияни ўтказиш тавсия этилади.

Хеликобактериоз билан оғриган ва ичакда темирнинг генетик детерминирланган эффлюкси юқори даражада бўлган беморларда НР эрадикациясининг самараадорлигини ўрганиш босқичида, Жарылкасынова Г.Ж. тадқиқоти (2021) натижаларига асосланиб C3435T MDR1 генининг ТТ

генотипини ташувчи, ичакда гликопротен Р детерминланган паст фаолликдаги дори воситалари транспортери бўлган 24 та бемор олинган.

Жарылкасынова Г.Ж. томонидан ўтказилган тадқиқот (2021) натижаларига кўра, ушбу генотипни ташувчи bemорларда, бошқа генотипни ташувчи bemорлар билан солиштирганда гемоглобин ва ферритин миқдорининг паст даражада ўсиши кузатилган.

ИФА усули ёрдамида 14 нафар bemорда ушбу бактерия тасдиқланган. Кейинчалик ушбу гурух bemорларига эрадикацион терапияни ўз ичига олган комплекс терапия ўтказилган.

## 5-жадвал

### **C3435T MDR1 генининг ТТ генотипига эга бўлган НРинфекцияси тасдиқланган ва тасдиқланмаган bemорларда лаборатор кўрсаткичларнинг динамикаси**

Кўрсаткич	Гурух 1 (НР(+)) (n=14)		Гурух 2 (НР(-)) (n=10)	
	Олдин	1- ойнинг охири	олдин	1- ойнинг охири
Гемоглобин (г/л)	80,36±8,4	98,32±6,3*	83,68±4,2	93,28±5,64*
Ферритин (мкг/л)	112,12±14,52	138,8±7,4*^	114,3±6,1	124,7±8,22*
Қон зардобидаги темир (мг/л)	1,01±0,14	1,65±0,8	1,12±0,61	1,44±0,14

\*-даволанишидан олдин кўрсаткичлар билан таққослагандага фарқлар  $p < 0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимдир;

<sup>^</sup>- қиёсий гурух кўрсаткичлари билан таққосланадиган фарқлар  $p < 0.05$  да статистик жиҳатдан муҳимдир;

НР инфекцияси тасдиқланганда 1 ой давомида уч валентли темир препаратлари терапиясини ўз ичига олган комбинациялашган терапия ўтказилган bemорларда қондаги ферритин даражасининг сезиларли даражада ошиши кузатилган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, организмдаги гликопротеин Рнинг генетик детерминланган паст фаоллиги аниқланганда, ферротерапия самарадорлигини ошириш учун ингичка ичак бўшлиғига НР кўринишида тушувчи умумий темир ҳажмини пасайтирадиган омилга таъсир қилиш мумкин. Ферротерапия самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари мониторинги маълумотлари шуни кўрсатдики, шиллиқ қаватдаги НР персистенцияси темир препаратлари сўрилишига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, ичақдаги генетик детерминланган паст фаолликдаги гликопротеиндан фарқли ўлароқ, ушбу омилни эрадикацион терапия каби самарали усул мавжудлиги сабабли бошқариш мумкин деб ҳисоблаш мумкин.

## **ХУЛОСА**

"Хеликобактериоз ва дори ташувчи генлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда темир танқислиги анемиясида ферротерапия самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусидаги фан доктори (PhD) диссертация ишида олиб борилган тадқиқот юзасидан қўйидаги хуносалар берилди:

1. Касалликнинг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш асосида, темир танқислиги анемияси хеликобактериоз билан бирга кузатилганда, сидеропеник симптомларнинг янада яққол намоён бўлиши ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг, яъни қон зардобидаги темир, ферритин, умумий қон зардобидаги темир боғланиш қобилиятининг ўртacha 12% га ўзгариши кузатилди.

2. Корреляция тахлили асосида хеликобактериоз билан боғлиқ бўлган темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда НРга нисбатан антитаначаларнинг титри, ферритин ва қон зардобидаги темир кўрсаткичлари ўртасида сезиларли даражада боғлиқлик мавжудлиги кўрсатилди.

3. НР инфекциясининг мавжудлиги уч валентли темир препаратлари билан даволанган беморларда темирнинг сўрилиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатади, бу НР бактериясининг уч валентли темирга яқин бўлган маҳсус хелатларни ажратиши билан изоҳланади, бу уларнинг ҳаётчанлиги учун зарур бўлган темирни ўзлаштиришга ёрдам беради.

4. Уч валентли темир препаратларини қабул қилувчи беморларда эрадикацион терапия ўтказилгандан кейин даво самарадорлиги ошган. Бу НР га нисбатан антитаначалар пасайиши фонида асосий лаборатор кўрсаткичлар, яъни гемоглобин, ферритин ва қон зардобидаги темир микдорининг ошиши билан изоҳланди.

5. Генетик детерминланган паст фаолликдаги Р гликопротеини бор ва хеликобактериоз тасдиқланган беморларда уч валентли темир препаратлари билан ўтказиладиган ферротерапияга қўшимча тарзда эрадикацион терапияни ўтказиш самарали усул эканлиги исботланди, бу ферритин микдорининг (ўртacha 13% га) ошиши билан изоҳланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ФИЛИАЛЕ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ  
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

---

**ЮЛДАШОВА РАНО УРИНБАЕВНА**

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФЕРРОТЕРАПИИ ПРИ  
ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИИ С УЧЕТОМ НАЛИЧИЯ  
ХЕЛИКОБАКТЕРИОЗА И ГЕНОВ ТРАНСПОРТЕРОВ ЛЕКАРСТВ**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**УРГЕНЧ – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2022.1.PhD/Tib2406**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сино.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Жарылкасынова Гаухар Жанузаковна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Жаббаров Озимбай Отаханович**  
доктор медицинских наук, доцент

**Захидова Машхура Зиёматовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Санкт-Петербургский государственный  
педиатрический медицинский университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_» 2022 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 при Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии. Адрес: Хорезмская область г.Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом -28. Тел./факс: (+998622248484).

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Ургенского филиала Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №\_\_\_\_). Адрес: Хорезмская область г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом 28. Тел./факс: (+998622248484).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_» 2022 год.

(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_» 2022 года)

**Р.Ю. Рузибаев**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**З.Ф.Джуманиязова**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, кандидат  
медицинских наук, доцент

**Р.Б. Абдуллаев**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время дефицит железа и инфекция *Helicobacter pylori* (НР) являются актуальной проблемой здравоохранения в силу своей высокой распространенности и большого числа негативных последствий, как для взрослого, так и для детского организма. По данным экспертов Всемирной организации здравоохранения, дефицит железа занимает первое место среди 38 наиболее распространенных заболеваний человека<sup>1</sup>. Распространённость *Helicobacter pylori* среди всех слоев населения очень широка. По данным литературы, более половины людей во всем мире инфицированы данной бактерией. В Африке, Мексике, Южной и Центральной Америке распространённость данной инфекции достигает 70-90% среди всего взрослого населения<sup>2</sup>. При этом одним из важнейших экстрагастроуденальных проявлений инфицирования *Helicobacter pylori* являются анемии. В связи с этим, актуальными задачами являются более глубокое изучение роли *Helicobacter pylori* в патогенезе железодефицитной анемии и определение критериев для проведения эрадикационной терапии при наличии дефицита железа для повышения эффективности ферротерапии.

На сегодняшний день в мире ведется ряд научных исследований, посвященных изучению различных вариантов манифестации хеликобактериоза. Отдельного внимания заслуживают исследования, посвященные изучению патогенеза дефицита железа при хеликобактериозе и роли эрадикационной терапии в повышении эффективности терапии препаратами железа. Несмотря на то, что имеются результаты многочисленных исследований, подтверждающих роль НР в развитии дефицита железа, остаются нерешенными вопросы, касающиеся определения точных показаний к проведению специфической терапии, направленной на эрадикацию данной инфекции в случаях, когда у пациентов с клинико-лабораторными признаками дефицита железа нет явных симптомов поражения слизистой оболочки желудка.

В нашей стране в настоящее время проводится ряд широкомасштабных комплексных мер по коренному улучшению качества оказания медицинской помощи населению. В Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы определены такие задачи, как «... дальнейшее реформирование сферы здравоохранения, прежде всего первичного звена, скорой и экстренной медицинской помощи, направленное на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населению, формирование здорового образа жизни населения, укрепление материально-технической базы медицинских

<sup>1</sup> Girelli D., Ugolini S., Busti F., Marchi G., Castagna A. Modern iron replacement therapy: clinical and pathophysiological insights // Int J Hematol. – 2018. - 107(1). – P. 16-30.

<sup>2</sup> Siddique O., Ovalle A., Siddique A.S., Moss S.F. Helicobacter Pylori Infection: an Update for the Internist in the Age of Increasing Global Antibiotic Resistance // Am J Med. – 2018.Jan 15. pii: S0002-9343(18)30013-5.

учреждений»<sup>3</sup>. Эти задачи дают возможность снижению показателей инвалидности и смертности путём вывода на новый уровень оказания населению современной медицинской помощи в диагностике железодефицитной анемии, и использование современных технологий при разработке профилактических мер, направленных на повышение эффективности лечения.

Данное диссертационное исследование способствует решению задач, отмеченных указами Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года №ПП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и № УП-4947 «Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 гг» от 7 февраля 2017 года, постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также от 18 февраля 2015 года №ПП-2302 «О государственной программе «Год внимания и заботы о старшем поколении»».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по разделу VI. «Медицина и фармакология».

